

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА
ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**Қурилиш факультети
«Касбий таълим» кафедраси**

*Мавзу: Ургут туманидаги “Барака” фермер хўжалиги
автомашиналарга хизмат кўрсатиш устохонаси қурилиши
мисолида “Бетон поллар” мавзусида дарс ўти. мавзусидаги*

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ

Кафедра мудири:

Рахимов А.Қ.

Диплом лойихаси рахбари:

Хушвақтов У.А

**Битирувчи 401-КТ (Б ва ИК)
гуруҳи талабаси:**

Бердиева Дилбар

Самарқанд-2015

МУНДАРИЖА

1. Кириш	1
2. Мавзуни долзарблигини асослаш.....	
3. Меъморий - қурилиш қисм.....	6
4. Конструктив қисм	14
5. Технологик қисм	21
6. Ўқув услубий қисм	36
7. Экология.....	66
8. Интернет маълумоти.....	77
9. Адабиётлар рўйхати	83

КИРИШ

Кадрлар тайёрлаш миллий модулининг таркибий қисми бўлган узлуксиз таълим тизимига кутилган уч йиллик ўрта махсус касб-хунар таълимининг жорий этилиши Том маънодаги янгилик бўлди. “Таълим тўғрисида”ги қонунга асосан Академик лицейлар ўқувчиларининг қизиқишлари ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланишини чуқурлаштирилдган ихтисослаштирилган ҳолда ўқитишни таъминланса касб-хунар коллежлари эса ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллигини лаёқатлилигини билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бирмунча замонавий касб эгаллаш имконини беради.

1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тугрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим тизимини тубдан ислох қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Бу муҳим ҳужжатларни амалга ошириш бўйича ҳуқуқматимиз қабул қилган қарорларида республикада касб-хунар коллежларини жадал суръатлар билан ривожлантириш чора тadbирлари белгиланган.

Бу янги ўқув масканларида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бир томондан ўқитувчи маҳоратига бошлиқ бўлса, иккинчи томондан ўқув юртини замонавий техника билан таъминланганлигига боғлиқ.

Касб-хунар коллежи муҳандис-педагог ходимлари олдига тайёрланадиган малакали ишчи кадрларда илмий дунёқарашни, меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтириш, уларда юксак меҳнат интизоми ва маданиятни, жамоа олдига бурч ҳис туйғуларини тарбиялаш вазифасини қўяди.

Бу вазифаларни бажариш ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиядан фойдалана оладиган юқори малакали ишчиларни етиштириш демакдир.

Мазкур вазифани мувоффиқиятли ҳал қилишда муҳандис- педагогларнинг фан ва техника соҳасидаги ютуқларидан муттасил фойдалана билишлари, ўқув жараёнида илғор педагогик ва ишлаб чиқариш таълими тажрибаларини тadbик эта олишлари катта аҳамиятга эга.

Методика – метод ва усулларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, қандайдир ҳаракатни амалда бажарилишидир. Ўқитиш методикасида у ёки бу фанни урганиш ҳақида тушунилади. Адабиётларда шундай суз талқини учрайди «Ўқитиш методикаси», «Ургатиш методикаси».

Лекин бу икки тушунча ҳам амалда тенг ҳуқуқлидир. Чунки ўқитиш – бу ургатилганни фаолияти, ургатиш эса – уларни биргаликдаги фаолиятидир. Ўқитиш методикасининг методологик асослари билим назарияси бўлиб, умумий қонуниятларни, нсон атрофида содир бўлаётган, уни ураб турган дунё шакли ва методларни урганади.

Ўқитиш методикаси ўқув предмети сифатида бўлгуси муҳандис-педагогга қуйидагини тушунитириши керак. Қандай ва нимага ўқитиш, қандай кетма-кетликда ва нимага энди шундай ўқитилади, бошқача эмас. У нафакат методларнинг билим таълим мазмунини, ўқитилаётган фанлар мажмуасини уз ичига олади.

Шунинг учун бугунги кунда махсус фан ўқитувчилари олдига касб-хунар таълимини ривожлантириш каби муҳим масаласи қўйилган.

Мавзунинг долзарблиги

Кадрлар тайёрлаш миллий модулининг таркибий қисми бўлган узлуксиз таълим тизимида кутилган уч йиллик ўрта махсус касб-хунар таълимининг жорий этилиши Том маънодаги янгилик бўлди. “Таълим тўғрисида”ги қонунга асосан Академик лицейлар ўқувчиларининг қизиқишлари ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланишини чуқурлаштирилган ихтисослаштирилган ҳолда ўқитишни таъминланса касб-хунар коллежлари эса ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллигини лаёқатлилигини билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бирмунча замонавий касб эгаллаш имконини беради.

Хар томонлама камол топган техникадан маълумоти булган ишчилар тайёрлаш масаласи, аввало, ўқитиш жараёнида ҳал қилинади.

Ўқитиш жараёни педогогнинг (ўқитувчи, устанинг) ва у раҳбарлик қилаётган ўқувчиларнинг билим, ўқув ҳамда малакалар системаларини онгли равишда ва пухта узлаштиришга қаратилган изчил ҳаракатлари мажмуидан иборат.

Касб-хунар мактабларидаги таълим ўқувчилар шахсини шакллантиришнинг, уларни аклий ва жисмоний камол топтиришнинг умумий ҳамда махсус билим беришнинг энг муҳим воситасидир. Ўқитиш жараёни давомида ўқувчиларининг билиш кучлари ривожлантирилади.

Таълим беришда унинг икки томони: ўқитиш ва ўқиш томонлари ҳамма вақт равшан ажралиб туради.

Касб хунар мактабларидаги таълим ўқувчилар шахсини шакллантиришнинг,

Ўқитиш- ўқитувчининг ўқувчиларга билим, ўқув ва малакалар системаси бериш, уларнинг билиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш борасидаги фаолияти.

Ўқиш- ўқувчиларнинг ўқув фани материални узлаштириш борасида қиладиган системали ва онгли меҳнати.

Ўқитиш мазмуни ҳамма вақт тегишли ўқув фани программаси билан белгиланишини, ўқувчиларнинг ўқишини эса ўқитувчи йулга солиб туришини назарда тутиб, мувофаккиятли таълим беришнинг асосий шарти таълим бериш мазмуни, ўқитиш ва ўқиш орасидаги чамбар-час узвий боғланиш деб ҳисобламоқ керак.

Мактабнинг, шу жумладан, касб-хунар мактабининг ҳам, асосий вазифаси ушиб қелаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялашдан иборат. Ўқитиш жараёнини урганиш объекти сифатида ажратиб курсатиш асло таълимни тарбияга қарши қуйиш бўлмайди. Ўқитувчи ўқувчиларга янги материални тушунтирар, уларнинг кузатишларини, мустақил ишларини ва фаолиятларини ташкил этар экан, уларда урганилаётган объектларга маълум даража ёндашиш қобилиятини, атрофдаги нарса ва ҳодисаларни мулоҳаза қилиш ҳислатларини шакллантиради, уларни меҳнатга онгли муносабатда бўладиган қилиб тарбиялайди, уларнинг иродаси ҳамда характерини чиниктиради. Бинобарин, ўқитувчилар ўқувчиларга таълим берар экан, уларни тарбиялайди ҳам. Таълим ҳамиша тарбияловчи характерда бўлади. тарбия билан таълим орасидаги чамбарчас боғлиқлик, бошқача айтганда, таълимнинг тарбияловчи характери ўқитиш жараёнининг асосий объектив қонуниятларидан

биридир. Таълим, бу масалага ўқитувчи қандай қарашидан қатъий назар, доимо ўқувчиларни тарбиялайди. Тарбияловчи таъсир таълимнинг ажралмас йулдошидир. Агар ўқув жараёнида ўқувчиларнинг билиш қучларини ривожлантириш, уларда диалектик-материалистик дунёқараш ҳосил қилиш учун яхши шароит яратилса, таълимнинг тарбияловчи таъсири бирмунча ортади.

Қасб-хунари мактаблари шароитида ўқувчиларнинг тарбиялашнинг муҳим омили уларнинг доимо унумли меҳнатда иштирок этишидир. Таълим бериш жараёни тарифланар экан, ўқитувчи ўқитишнинг ички механизмларини билгандагина, ўқув жараёни вақтида идрок этилганларнинг ҳаммаси ўқувчи онгида акс этиши ва узғариши қандай содир бўлишини тушингандагина ўқитиш самарали бўлиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Ана шунинг учун ҳам ўқитувчилар педагогик психология билимларини чўқур эгаллаши зарур.

Ўқувчиларни билимларни узлаштириб, объектив дунёни билиб оладилар. Шу нуқтаи-назардан олганда, билимларнинг узлаштирилиши билиш турларидан биридир. Билишнинг умумий қонуниятлари ўқувчиларнинг билиш фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Аммо билимларни узлаштириш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор. Ўқувчилар, асосан, билганларини ўқитувчи раҳбарлигида узлаштирадилар, шу сабабли ўқувчиларнинг субъектив янги нарсани билиш жараёни объектив янги нарсани билиш жараёнига қарағанди энг қисқа йул билан содир бўлади. Ўқувчилар фанларнинг асосларини узлаштирадилар, улар олдида янги ҳақиқатни қашф этиш вазифаси турмайди. Билимларни узлаштириш жараёнида мушоҳада юритиш ўқувчиларнинг сезиш тажрибасини бойитади. Билимларнинг қаттагина қисмини ўқувчилар бевосита қўзатиш асосида эмас, балки билвосита йул билан, яъни, асосан, педагогикнинг тушинтириши, қитоблар, дарслиқлар ўқиш орқали узлаштирадилар. Ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги практикаси ҳақиқат мезонлигича қолади, аммо у, аввало, билм, ўқув ва малакаларини ошириш воситаси ҳисобланади.

Ҳозирги замон талаби билимларни узлаштиришни ва ўқувчиларнинг билиш қучларини ривожлантиришни ягона ўқитиш жараёнининг икки томони деб қарайди. Ўқувчиларнинг ақлий қамол топиши қўпгина йуллар билан боради, бу йулларнинг асосийси-фан ва техника асосларини уларнинг етакчи қўялари ҳамда йуналишлари нуқтаи-назаридан узлаштириш. Эъёектив оламни билиб, шу билан бирга уз қобилиятларини ривожлантириб, ўқувчилар атрофдаги нарса ва қодисаларни урганиш методларини, шунингдек, уларга таъсир этиш усулларини билиб оладилар. Ҳозирги қунда ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларга мустақил фикр юритиш қўникмаларини қосил қилишдан иборат.

Замонавий билим бериш учун ўқитувчининг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши қерак. Бўлажак қадрларда қўқур мустаҳкам билимларни шакллантириш, миллий истиқлол қўяларига садоқатни, ватанга муҳаббатни, бу йўлдаги фидоийликни тарбиялаш ўқитувчиларнинг асосий вазифалардир.

Ушбу долзарб масаларни эътиборга олган қолда Мен диплом лойиҳасини (Қасб-хунари қоллежида махсус фанларидан "Қол ишлари" мавзусида ўқув усулқбий мажмуа яратиш (Сиёб қурилиш қоллежи мисолида) мавзуида танладим ва амалга оширдим.

АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ҚИСМИ

Дастлабки маълумотлар.

Ургут туманидаги барча қулайликка эга бўлган Устахона биносини лойиҳалашда қуйидаги маълумотларга этиборга олинган. Устахона биноларини лойиҳалаш ишлари Ўзбекистон республикаси ҳудудининг зоналарга бўлинишига мос равишда амалга оширилган.

Пастдарғом тумани учун:

- Намлик зонаси: қуруқ;
- Энг совуқ сутканинг ҳарорати $t_t = -24^{\circ}\text{C}$;
- Энг совуқ беш кунликнинг ўртача ҳарорати - $t_{t5} = -20^{\circ}\text{C}$;
- Июл ойи учун ўртача ойлик ҳарорат - $t_t^{\text{июл}} = +26.8^{\circ}\text{C}$;
- Ташқи ҳавонинг ҳарорати тебранишларининг июл ойи учун суткалик максимал амплитудаси $A_{\text{ст}} = +25.6^{\circ}\text{C}$;

Қуёш радиацияси

- Горизонтал сиртки максимал: $I_{\text{mak}} = 928 \text{ Вт/м}^2$;
- Горизонтал сирт учун: $I_{\text{ўр}} = 333 \text{ Вт/м}^2$;
- Ғарбга қараган вертикал сиртлар учун максимал:

Йиғинди: $I_{\text{mak}} = 740 \text{ Вт/м}^2$;

- Ғарбга қараган вертикал сиртлар учун ўртача:


Ўртача: $I_{\text{ўр}} = 169 \text{ Вт/м}^2$ ни ташкил этади.

Румб бўйича қайтарилиши 10 % ва ундан ортиқ бўлган шамол ўртача тезлигининг июл ойи учун минимал қиймати $V = 2,1 \text{ м/сек}$ га тенг.


Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий геологик маълумотлар.
ҚМҚ 2.01.01-94 бўйича шамолнинг бош йўналишини аниқлаш.

Пастдарғом	Шамол йўналишининг қайталаниши							
	Йўналиш бўйича шамолнинг ўртача тезлиги							
	Январ	Ш	ШШҚ	ШҚ	ЖШҚ	Ж	ЖҒ	Ғ
	ойи учун	$\frac{15}{1.7}$	$\frac{11}{1.5}$	$\frac{12}{1.7}$	$\frac{15}{2.2}$	$\frac{14}{2.5}$	$\frac{4}{2.1}$	$\frac{15}{1.9}$
	Июл ойи учун	$\frac{12}{2.0}$	$\frac{8}{1.5}$	$\frac{8}{1.5}$	$\frac{8}{1.5}$	$\frac{12}{1.7}$	$\frac{11}{1.7}$	$\frac{27}{2.1}$

Шамолнинг қайталаниши бўйича бош йўналиши.



Шамолнинг ўртача
тезлиги бўйича бош
йўналиши.



Бинонинг ҳажмий-режавий ечими.

Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани жойлашган Устахона биноси тўғри тўртбурчак шаклда жойлашган бўлиб бинонинг умумий узунлиги – 30.0 метр, эни – 12.0 метр, умумий баландлиги – 5.6 метр.

Қаватлар баландлиги биринчи қават полидан потолокгача 3,0 метрни ташкил қилади. Цоколь қисми эса $h_{ц}=0,45$ метрни ташкил этади.

Хона - бинонинг асосий таркибий қисми ёки элементидир. Хона учун асосий нарса - бу унинг функционал вазифасидир, яъни кишиларнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва шахсий ҳаёт фаолиятининг маълум жабҳалари талабларини

қондиришдир.

Бионолардаги хоналарни вазифаларига қараб асосий (ишчи), ёрдамчи ва коммуникация хоналарига бўлинган.

Асосий хоналарга бионинг функционал вазифасига мос равишда кишилар томонидан бажариладиган фаолиятга мўлжалланган хоналар қиради, яъни яшаш хоналари.

Бироқ, бинодаги асосий жараёни амалга ошириш учун асосий хоналардан ташқари бошқа хоналар ҳам керак бўлади. Шулардан бири ёрдамчи хоналардир. Улар бинода амалга ошириладиган жараёнларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур, лекин бионинг вазифасини белгиламайдилар, бунга квартирадаги ошхона, ваннахона, ҳожатхона қабиладир.

Бионолардаги асосий ва ёрдамчи функционал вазифаларни бажарувчи барча хоналар коммуникация хоналари воситасида ўзаро боғланган бўлади-лар. Уларнинг асосий вазифаси - кишиларнинг ҳаракатланишига қулайлик яратишдир (коридор, йўлаклар, зина ва шунга ўхшашлар).

Бионолар ҳажмий план ечимларини яратишнинг бир неча услублари коридорли, анфилада, зал, марказий, секция ва аралаш (планировка системалари) маълум.

Хоналарни бир-биридан ажратилган, план ечим бир хил ёки бир-бирига ўхшаш бўлмаларда (отсек) жойлаштириш планировканинг секция системаси номини олган. Бу система мен лойиҳалаётган бинода қўлланилган.

Бионинг конструктив ечими.

Бионинг конструктив ечими лойиҳалаштиришнинг дастлабки босқичида конструктив ва қурилиш системаларини ҳамда конструктив схемаларни танлаш билан белгиланади.

Мени лойиҳада бино бўйлама ва кўндаланг конструктив схемада ечилган бўлиб уни танлашда қуйидаги қурилмалардан фойдаланилган:

Бионинг пойдевори:

Тасмасимон йиғма бетон блокдан. Пойдевор эни 0.4 метр, жойлашиш чуқурлиги ер сатҳидан -0.6 метрни ташкил этади.

У барча асосий деворларнинг остига қилинади. Пойдевор учун бетон синфи В 12,5 ва А-II арматура турлари билан жиҳозланган.

Ташқи ва ички деворлар Бионинг ташқи девори майда пишиқ ғиштдан иборат бўлиб, девор қалинлиги $\delta = 380$ мм, ушбу бионинг девори цемент қум қоришмаси маркаси М 50 дан кам бўлмаган қоришма билан терилади. Деворнинг туташув ерларига арматура тўри ётқизилган. Бўйлама арматуранинг умумий кесим юзаси 1 см^2 , узунлиги 1,5 м олиниб баландлик бўйича ҳар 700 мм га битта сим тўр мўлжалланган.

Пардадеворлар Бионинг пардадевори майда енгил бетондан иборат бўлиб, девор қалинлиги $\delta = 120$ мм 0,5 қаторли, ғиштни ташкил этиб, ушбу бионинг девори цемент қум қоришмаси маркаси М50 дан кам бўлмаган қоришма билан терилади..

Цоколь деворнинг 1-қават поли сатҳидан пастда жойлашган бино атрофидаги ер сатҳигача бўлган қисми бўлиб, деворни атмосфера намлиги ва бошқа таъсир-лардан сақлайди, ҳамда тўғридан-тўғри пойдевор устида ётади.

Ушбу сатҳ “Кабанчик” туридаги плиталар билан жиҳозланган. Унинг баландлиги 0,45м.

Бино атрофидаги асфальт қоплама (отмостка) бинонинг периметри бўйича 1м энлиликда асфальт бетон тўшама $\delta = 80$ мм қалинликда тўшалади. Асфальт бетон тўшама тагидан $\delta = 80$ мм қалинликда шебень тўшама тўшалиб текисланади.

Ёпма плиталар йиғма темир-бетон плиталардан иборат бўлиб серияси 1.141.1-17С выпуск 1, маркаси ПК8-5912-С8 бўлиб плитанинг узинлиги $L=5,90$ м; $2,90$ м эни $B=1,20$; $1,00$ м қалинлиги $\delta=220$ мм ни ташкил этади ва деворга таяниш масофаси 120 мм.

Чердак том ёпмаси бинонинг устки якунловчи ва уни қор, ёмғир ва бошқа нобоп таъсирлардан ҳимоя қилувчи қисмидир.

Бино томи тулука билан ёпилади. Тулука тагидан рейкалар ҳар 50-55 см дан ўрнатилиши талаб этилади.

Перемишканалар-сифатида йиғма темирбетон перемишканалар ишлатилган. Улар-нинг серияси 1.138-10 выпуск 1, маркалари 2ПР 27.38.14-72 АIV, бўлиб уларнинг узинлиги $L=2,7$ м; $2,4$ м; $2,10$ м; $1,8$ м; $1,6$ м; $1,5$ м бўлиб эни $0,3$ м ва $0,19$ м баландлиги $h=22$ см дан иборат бўлган конструкциялар танлаб олинган.

Дераза блоки тахтадан КСИ-85/Ўз дан қабул қилиниб серияси 1.238-10 выпуск 1 ГОСТ 12506-67 уларнинг маркаси ОСП15-18; ОСП09-12, ОСП06-7.5, уланинг улчамлари баландлиги $h=1,80$ м эни $B=1,5$ м; $1,20$ м; $0,9$ м; $0,6$ м лардан иборат бўлган конструкциялар жойлашган.

Эшик блоки –стандарт бўлиб Ўзбекистон республикасида ишлаб чиқарилган дераза блоки, материали тахтадан КСИ-85/Ўз дан қабул қилиниб серияси 1.136-6 выпуск 1 ГОСТ 6629-64 уланинг ўлчамлари баландлиги $h=2,10$ м эни $B=1$ м; $1,3$ м; $0,7$ м лардан ташкил топган ва уларнинг қалинлиги 64 мм дан ташкил топган.

Поллар -лойиҳаланаётган бином турар-жой бўлгани учун ундан хоналарнинг фой-даланиш шароитидан келиб чиқиб меҳмонхона, ётоқхона, ошхона ва даҳлизларда поллар тахтадан қилинган , тахтадан пол қилинлиги $\delta = 29$ мм ли тахталардан ўрнатилади. Ваннахона, ҳожатхона хоналарида намлик доимий бўлгани учун ушбу хоналаримизда керамик плиталардан поллар ўрнатилади. Зинапоя майдони жойлашган хоналарда бетонли ва цементли поллар ўрнатилади.

Бино зилзилабардошлигини таъминлаш тадбирлари.

Бинони зилзилага ҳисоблаганда ҚМҚ 2.01.01-94 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш” қоидаларига мос келиши керак. Девор бурчакларига ҳамда бўйлама ва кўндаланг деворлар туташув ерларига арматура тури ётқизилади. Бу арматура тўрлаа зизила жихатидан хавфлилик 7-8 балл бўлганда 700 мм баландликдан, 9 балл бўлганда эса 500 мм баландликдан ётқизилади.

Антисейсмик камар –плиталар ўрнатилгач,ёпма ва том ёпмаси сатҳида бутун бўйлама ва кўндаланг деворлар бўйлаб монолит темир-бетон антисейсмик камар ётқизилган. Юқори қаватнинг антисейсмик камарлари девордан чиқиб турувчи вертикал арматураларга боғланган. Ёпмаларга таянган антисейсмик камарлар деворнинг бутун қалинлиги бўйича ётқизилган. Антисейсмик камар баландлиги 220 мм, бетонининг синфи В12,5. Антисейсмик камарнинг бўйлама арматураси $4 \varnothing 10$ АI олинган. Дераза ўрни темирбетон рамка билан кучайтирилган.

Бинонинг пардоз ишлари.

Ички девор – Парда деворлар цемен кум қоришмаси чоклар тўлдирилади ва сайқалланиб сувоқланади. Сувоқ ишларидан сўнг шифтдаги плита оралиқларидаги чоклар цемент кум қоришмаси билан тўлдирилади ёки алебастрланади. Бино ичида сувоқ ишлари тугагандан сўнг оҳаки қоришма орасидаги сувоқ бўёқ билан камида бир марта бўялади.

Тўлдирилади ва бир вақтнинг ўзида эшик ва деразалар ва дераза мосламалари ўрнатилади. Шундан сўнг бўёқ пардоз ишлари бошланади. Пол, эшик ва деразалар бўялиб қуритилади.

Бинонинг ташқи пардози.

Бинонинг цокол қисми жигар рангли керамик плиткалар билан жихозланади. Бинонинг деворлари цемент-кум қоришмаси билан сувалади, оҳак ёрдамида оқланади.

Махсус фан уқитувчисининг уқув режалаштириш хужатлари. Дарсга тайёгарлик боскичлари.

Касб – хунар коллежларида фанлардан назарий дарсларни утишда

- Перспектив мавзулар режаси?
- Кундалик дарс режаси
- Дарс конспекти

Назарий дарсларни ҳисобга олиб бориш журналларидан мунтазам фойдаланилади.

Перспектив мавзулар режаси уқув материални тугри таксимлашда айна фанни бошқа фанлар ва ишлаб чиқариш таълими билан боғлашда, дарсга керакли уқув материаллари ва жихозларни тайёрлашда ёрдам беради, уқиш жараёнининг Самарадорлигини ошириш шароитини яратиш имконини беради.

Перспектив мавзулар режасининг асосини мавзулар бўйича дарслар тизими ташкил этади. Мазкур режани уқитувчи фаннинг уқув режаси ва дастурига асосан дарслар бошлангунича тузади ва унда қуйидагилар қўзғатади:

- машгулот уқув ишларини бажариш учун ташкилий қисм;
- дарсда уқувчиларнинг мустақил ишлаши;
- фанлараро ва фан ичидаги боғланишларни белгилаш;
- тарбиявий ишни перспектив режа билан боғлаб олиб бориш;
- ишлаб чиқариш таълими билан боғланиш;
- қўзғатмалар, дидактик материаллар ва таълимнинг техник воситаларини белгилаш;
- уйга топиширқ;
- маълумотнома ва методик адабиётлар.

Режанинг компонентлари уқув фани ва мавзу материалнинг мазмуни, билим юртининг уқув моддий базаси, уқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қараб аниқланади.

Перспектив мавзулар режаси методика қўлланмада қўйиб чиқилади.

Перспектив мавзулар режаси такроран фойдаланадиган хужжат бўлиб, унга

мунтазам равишда узгартиш ва кушимчалар киритиб борилади.

Режанинг булимлари куйидагича тулидирилади:

1. Дарснинг тартиб номери каср сифатида – суратга дарсларнинг мавзу буйича ва махражга фан буйича тартиб номерлари ёзилади. Масалан, 3/20, бунда 3-мавзу буйича ва 20-фан буйича тартиби.

2. Мавзу, дарснинг асосий масалалари. Мавзу ёзилгандан кейин, дарснинг асосий саволлари ёзилади, лекин дастурнинг хаммасини ёзиш шарт эмас.

3. Укув ишини ташкил этиш шакли. Таълимнинг ташкилий шаклини укув-тарбия мақсадларига қараб ва уқитиш методлари ҳамда укув материалнинг мазмунига боғлиқ бўлади.

4. Укувчиларнинг мустиқил иши. Бунда уларнинг китоб, жадувал, топширик, кинофильм, диафильм плакат ва хоказолар билан шугулланиши ифодаланади.

5. Касб-хунар коллежининг тарбиявий иш режаси билан боғланиши. Бу булимни тулидиришда касб-хунар коллежининг тарбиявий иш режасидан фойдаланилади ҳамда боғланиш ҳар бир дарс учун эмас, балки бир мавзу учун ёзилади.

6. Фанлараро ва фан ичидаги боғланишлар. Бу булимда урганилаётган фаннинг умумтаълимий, умумтехник ва бошқа махсус фанлар билан боғланишлари курсатилади.

7. Уқитишнинг техник воситалари, курғазмалар курул ва кулланмалар.

8. Амалий ишлаб чиқариш таълими билан боғланиши. Бу булимда урганилаётган укув материални ишлаб чиқариш таълимида бақариладиган топишириклар билан боғланиши курсатилади.

9. Уйга топширик. Мустиқил ишлашда фойдаланиладиган адабиётларнинг номлари, нашриётлари, чиққан йиллари, қайси бетларидан фойдаланиш кераклиги ифодаланади.

Дарснинг мақсади уҳта: таълимий (уқитиш), тарбиявий ва ривожлантириш мақсадларига бўлинади.

Таълимий мақсадга умуман қуйидагилар қиради:

- янги тушунчаларни шакллантириш;
- янги қонун, қонуният, ҳусусият ва белгиларни узлаштиришни таъминлаш;
- янги ҳаракат усулларини ургатиш;
- билимлардаги етишмовчиликларни бартараф этиш;
- билимларни умумлаштириш ва тизимга солиш;
- малақаларни шакллантириш;
- маълум ҳаракат усулларини мутиҳқамлаш;
- тушунчалар орасидаги боғланишларни аниқлаш буйича укувчиларда бирор нарса тугрисида тушунчаларни шакллантириш;
- дунёқараш қоялари ва муаммоларини аниқлаш;
- укувчиларда у ёки бу ҳаракатни, воқеаларни бақолаш буйича билимларни

шакллантириш;

- хулоса чикаришга тайёрлаш, узлаштиришга эришиш.

Тарбиявий мақсад ўқувчиларда кўйидаги мўайян шахс сифатлари ва характери ни таркиб топтиришдан иборатдир;

- дунёкарашни ва касбга кизиқишни;
- уз-узини текшириш ва узаро ёрдамни;
- воқеликлар орасидаги боғланишларни аниқлаш ва таҳлил қилиш қуникмаларини;
- бир соҳадан иккинчи соҳага билимларни қучириш қуникмаларини;
- фанлараро боғланишларни амалга ошириш қуникмаларини;
- нутқ маданиятини;
- ватанпарварликни;
- меҳнатга оғли муносабатни;
- оғли интизом ва яхши ҳулқни;
- таълим олишга ижобий муносабатни;
- эстетик қарашларни;
- иш урнини ташкил этиш ва уз фаолиятини текширишни;
- эътиқодни.

Таълимнинг мазмуни ҳаёт ва замон билан узвий боғланса, у тарбиялаш ҳусусиятига эга бўлади.

Ривожлантириш мақсади – дарс жараёнида ўқитувчиларнинг психологик сифатларини диққат, ҳотира, тафаккур ва билиш қобилиятларини шакллантиришдир.

Психологик адабиётларни таҳлил қилиш ўқувчиларда тафаккурни, политехник, меҳнат, билиш ва ақлий қуникмаларни, ирода ва мустақилликни ривожлантириш, уларни қелғуси дарсларга тайрлаш зарурлигини қурсатади.

Агар билимларни шакллантириш ва мақсадли тарбиялаш ўқувчиларнинг билиш қобилиятини такомиллаштиради, бўни ривожлантирувчи таълим деб тан олинади.

Энди намуна сифатида айрим фанлар бўйича дарс режаларини қуриб қикамиз.

Қуникма ва малақаларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш.

Ўқитувчи дарсни ўқувчилар урганилаётган материални равшан англабгина қолмай, уни аниқ тақрорлаб ҳам бера оладиган, билимларни қелғуси ўқув ишларида ва амалда қуллаи оладиган йусинда ташкил этиши қерак.


Билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришда ўқувчилар уларни дастлаб қандай узлаштирган бўлсалар, ҳудди шундай айтиб беришлари, уларга аниқлик муқаммаллик қиритишлари лозим. Таълимий ишнинг ана шу босқичида янги ўқув материал билан илғари узлаштирилган материалларни узаро қамбарқас, ўқувчилар яққол тушунадиган йусинда боғлаш уларнинг фандан олган билим ва қуникмаларини бойитади, қенгайтиради ва янада шакллантиради.

Ўқитиш даврига, урганилаётган материал мазмунига қараб билим, қуникма ва малақаларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш ҳар қил дидактик мақсадларга эга бўлиши мумкин. Ўқитишнинг дастлабки босқичларида, шунингдек, тасвирий


материални урганишда билимларни мустахкамлаш ва такомиллаштириш репродуктив характерга эга булиши мумкин. бунда укувчилар топширикни укитувчи берган намуна асосида бажарадилар, билимларни дастлаб кандай идрок этган булсалар, ана шу холда татбик киладилар. Шундан кейин укувчилар топширикларга ижодий ёндошадилар ва узига хос йуллар билан бажарадилар, муаммоларни хал килишнинг янги усуллари топадилар. Укитувчи мустакил ишлаш учун топшириклар тузади, уларни бажариш тартибини режалаштиради, вакти-вакти билан топширикларнинг мураккиблик ва кийинлик даражасини узгартириб туради, иш вактида укувчиларни кузатиб, зарур холларда уларга ёрдам беради.

Билим, куникма ва малакаларни мустахкамлаш хамда такомиллаштириш тизими хар хил машкларни бажариш, урганилган материални укув машгулотларида такрорлаш ва уйга берилган топширикларни бажардилар.


Фасад



Кирким



? ават режаси





Ҳоналар руйхати



1	Ōi aeaōi i lē	l aeaōi ē 1 2
1	Ōi aōi i ā	128,8
2	Yeaōōō ōāi i ēi eāō aē ēē	31,36
3	ī i āi ōōi i ā	44,24
4	Āāōēēē	15,12
5	Aōōō i ā	4,48
6	Āāāāōōi aōi i ā	33,6
7	Nai eāōēē ōi i aēē	6,12
8	Ēi eāōi ō	11,06
9	Ōēi aōi i ā	17,6
10	Ōi aēi eāō ōi i aēē	13,2
11	Āēōāōō ōi i aēē	19,6

музичні підприємці, муздопродв.

Белгиси	Белгилангиси	Номлангиси	Сини	Зотлагиси
Y-1	AA1 24-12	Yeeb	4	
Y-2	AAA 24-10	Yeeb	5	
A-1	OC 18-18	Aabaga		
A-2	IN 18-15	Aabaga	13	
		Aabai pa	4	
Aa-1	AAp-30-30	AAabai pa	3	

[illegible]

Том режиси



1. Plano de Trabalho 1.1. Objetivos 1.2. Metas 1.3. Indicadores 1.4. Recursos 1.5. Responsáveis 1.6. Orçamento 1.7. Monitorização 1.8. Avaliação 1.9. Relatório 1.10. Conclusões	2. Plano de Trabalho 2.1. Objetivos 2.2. Metas 2.3. Indicadores 2.4. Recursos 2.5. Responsáveis 2.6. Orçamento 2.7. Monitorização 2.8. Avaliação 2.9. Relatório 2.10. Conclusões	3. Plano de Trabalho 3.1. Objetivos 3.2. Metas 3.3. Indicadores 3.4. Recursos 3.5. Responsáveis 3.6. Orçamento 3.7. Monitorização 3.8. Avaliação 3.9. Relatório 3.10. Conclusões	4. Plano de Trabalho 4.1. Objetivos 4.2. Metas 4.3. Indicadores 4.4. Recursos 4.5. Responsáveis 4.6. Orçamento 4.7. Monitorização 4.8. Avaliação 4.9. Relatório 4.10. Conclusões	5. Plano de Trabalho 5.1. Objetivos 5.2. Metas 5.3. Indicadores 5.4. Recursos 5.5. Responsáveis 5.6. Orçamento 5.7. Monitorização 5.8. Avaliação 5.9. Relatório 5.10. Conclusões	6. Plano de Trabalho 6.1. Objetivos 6.2. Metas 6.3. Indicadores 6.4. Recursos 6.5. Responsáveis 6.6. Orçamento 6.7. Monitorização 6.8. Avaliação 6.9. Relatório 6.10. Conclusões	7. Plano de Trabalho 7.1. Objetivos 7.2. Metas 7.3. Indicadores 7.4. Recursos 7.5. Responsáveis 7.6. Orçamento 7.7. Monitorização 7.8. Avaliação 7.9. Relatório 7.10. Conclusões	8. Plano de Trabalho 8.1. Objetivos 8.2. Metas 8.3. Indicadores 8.4. Recursos 8.5. Responsáveis 8.6. Orçamento 8.7. Monitorização 8.8. Avaliação 8.9. Relatório 8.10. Conclusões	9. Plano de Trabalho 9.1. Objetivos 9.2. Metas 9.3. Indicadores 9.4. Recursos 9.5. Responsáveis 9.6. Orçamento 9.7. Monitorização 9.8. Avaliação 9.9. Relatório 9.10. Conclusões	10. Plano de Trabalho 10.1. Objetivos 10.2. Metas 10.3. Indicadores 10.4. Recursos 10.5. Responsáveis 10.6. Orçamento 10.7. Monitorização 10.8. Avaliação 10.9. Relatório 10.10. Conclusões
--	--	--	--	--	--	--	--	--	---

Мавзу: Бино қурилиши мисолида пол ишлари

Режа:

1. Саноат бинолари полларининг конструктив элементлари
2. Яхлит қопламали поллар
3. Донадор ва ўрамли материалли поллар
4. Турар жой бинолари бетон поллари

Таянч иборалар:

Текис ва силлиқ сирт, сирпанчиқ бўлмаслиги, емирилмайдиган, чангимайдиган, юрганда шовқин чиқармайдиган, иссиқлик ўзлаштириши коеффисиенти кичик, ёнмайдиган, сув ўтказмайдиган, химиявий агрессив моддалар таъсирига чидамли, бетон, керамик, пластмасса, чуян, чорқирра тошларда, ва ғишдан қилинадиган поллар.

Поллар бинонинг конструктив қисми бўлиб одамлар, жониворлар, транспорт воситалари, жиҳозлардан тушадиган юкланишларни ва механик ҳамда агрессив муҳит таъсирларини қабул қилишга мўлжалланган.

Поллар кам ейилувчан, мустаҳкам, осон таъмирланадиган бўлиши, зарбавий юкланишлар, агрессив муҳит ва ҳарорат таъсирига чидамли бўлиши керак. Бундан ташқари иссиқ, чангланмайдиган, шовқинсиз ва иссиқни, товушни, сувни ўтказмайўтказмайдиган бўлиши зарур.

Поллар грунт ёки ораёпмалар устига ҳосил қилинади. Полнинг асосий элементлари: асос, тўшама қатлам, копламақоплама қатлам. Коплама қоплама қатлам асосий элемент бўлиб, полнинг номланишини белгилайди. Шунга кўра поллар донатор материалли (тахта, паркет, плита, плиткалар), ўрама материалли (линолеум), яхлит коплама қопламали (мозаикали, ксилолитли, бетонли, полимер-бетонли, цемент-кумликүмли) бўлиши мумкин.

Полнинг асоси грунт ёки ораёпма плиталари ҳисобланади. Тўшама қатлам кум, чақилган тош, ша\ал, шлак, бетон, глинобетондан ҳосил қилиниши мумкин. Яхлит копламақопламали полларни ҳосил қилиш. Бетонли, мозаикали ва цемент-кумликүмли поллар маъмурий ва жамоат биноларининг вестибюлларида, умумий овқатланиш корхоналари ва магазинларнинг савдо залларида ҳамда саноат биноларида ишлатилади.

Бетон поллар 25...50 мм дан иборат бир қатламли, мозаикали ва цемент-кумликүмли поллар икки қатламли: остки-25...30 мм, устки 15...20 мм қилиб ҳосил қилинади. Бундай поллар учун маркаси камида 400 бўлган портландцемент, йириклиги 5...15 мм бўлган чақилган тош (мармар, диабаз, кварцит) ва кумдан ҳосил қилинган бетон қоришмалари ишлатилади. Ранг бериш зарурати бўлганда ок портландцемент ва пигментлардан фойдаланилади.

Бир хил рангли мозаикали поллар, бетон ва цемент-кумликүмли поллар 2,5...3 м ли полосаларга бўлиб ҳосил қилинади. Турли рангли мозаикали поллар ойна, латун ёки алюминийдан тайёрланган жилкалар ёрдамида турли шаклларга бўлиб ҳосил қилинади. Бунда 3...5 суткадан сўнг мозаикали пол сирти кир\иш машиналар

ёрдамида силлиқланади.

Металлцемент копламақопламали поллар босмахона, механик-йи\ув ва металл қайта ишлаш цехларида қўлланилади. Бунда 1...5 мм ли металл қириндилари, цемент ва сувдан ҳосил қилинган қоришма 20...30 мм қалинликда, янги тўшалган 15...20 мм қалинликдаги цемент-кумлиқумли қатлам устига ётқизилади ва виброрейка ёрдамида зичланади. 7...12 кундан сўнг машиналар ёрдамида юзаси силлиқланиши мумкин.

Асфальтбетон копламақопламали поллар гаражларда, саноат биноларининг цехларида ҳамда грунт намлиги катта бўлган холларҳолларда ишлатилади. Асфальтбетон қоришмасини (битум, қум, цемент) ётқизиш ётқизишдан аввал асос тозаланади ва керосин, бензин ёки соляркада эритилган битум билан грунтровка қилинади. Зичлаш учун қўлда илдиратиладиган катоклардан, имконият бўлган холларҳолларда 5...10 т ли катоклардан фойдаланилади. Бундай полларнинг юзалари бўялиши мумкин.

Ксилолитли поллар тўқимачилик фабрикалари, гилам тўқиш комбинатлари ва қаерда иссиқ, чангланмайдиган полларга зарурат бўлса қўлланилади. қоришма каустик магнезит, хлорли магнийнинг сувли эритмаси ва игна баргли дарахтларнинг қириндисидан тайёрланади. Ранг бериш учун пигментлардан фойдаланилади. Пол икки қатламли қилиб ҳосил қилинади. қуригандан сўнг машиналар ёрдамида силлиқланади ва канифолли мастика билан ишлов берилади.

Полимерцемент бетонли поллар саноат биноларининг цехларида тозалик ва чангланмасликка катта эътибор бериладиган холларҳолларда ишлатилади. Бунда қоришма портландцемент ва ПВА дисперсияси, қум, чақилган тош ёки ша\ал, пигмент ва сув аралашмасидан ҳосил қилинади. Тўшама қатлам мустаҳкамлиги 20 МПа дан кам бўлмаган бетондан иборат бўлиб, сув ва ПВА дисперсияси билан грунтровка қилинади. Юзаси силлиқланади.

Табиий тош копламақопламали поллар меҳмонхоналар вестибюллари, театр фойеларида ишлатилиши мумкин. Бунда узунлиги 300...600 мм, қалинлиги 15...20 мм бўлган мармар плиталари ва мармар майда тошлар ишлатилади.

Донадор материалли поллар. Тахта поллар турар жой ва жамоат биноларида ишлатилади. Бунда қалинлиги 29...37 мм ли тахталар ва 25-40x80-120 мм ли лагалардан фойдаланилади. Лагалар орасидаги масофа 0,4- 0,6 м ни ташкил этади.

Паркет поллар донали паркетдан ва паркет шитларидан ҳосил қилиниши мумкин. Донали паркетнинг асоси тахта, ДСП, цемент-кумлиқумли қатлам бўлиши мумкин. Паркет асосга мих ёки иссиқ ва совуқ битумли, битум-каучукли ва бошқа мастикалар ёрдамида маҳкаммаҳкамланади. Паркет шитлари завод шароитида 1200x1200; 1000x1000 ва 800x800 мм ўлчамда тайёрланиб, лагаларга маҳкаммаҳкамланади.

Сувга чидамли ДСП поллар 350-400 мм масофада жойлашган лагаларга мих билан маҳкаммаҳкамланади. Плита чоклари шпаклевка қилинади ва бўялади.

Керамик плиткали поллар 100x100, 150x150 мм ли плиткаларни цемент-кумлиқумли қоришма (маркаси 150) билан маҳкаммаҳкамлаб ҳосил қилинади.

Ўрама материалли поллар. Бундай поллар турар-жой ва жамоат биноларида қўлланилади. Линолеумли пол ишлари барча қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишлари тугагандан сўнг бажарилади. Линолеумни ёпиштиришда елим ва

мастикалардан фойдаланилади. Линолеум ўрами ёзилиб, хонада 2-3 кун сақланади. Линолеумни тўшашдан аввал пол асоси суюлтирилган елим ёки мастика билан грунтовка қилинади. Хона ўлчамига мослаб қирқилган линолеум ўрамлари бўйлама йўналишда бир-бирига 20...30 мм кириштириб тўшалади. Сўнгра ўрамларга елим ёки мастика суртиб (чокларнинг 100...150 мм кенгликдаги қисмига суртилмайди) навбатма-навбат ёпиштириб чиқилади. Елим ёки мастика куригач, пўлат чиз\ич ва махсус пичоқ ёрдамида чоклардаги линолеум четлари қирқиб олинади; елим ёки мастика суртиб чоклар ёпиштириб чиқилади. Линолеумни хона ўлчамида қирқиб, пайвандлаб куруқлайин тўшалиши ҳам мумкин. Бунда линолеум четлари плинтуслар билан бостириб махкаммаҳкамлаб қўйилади.

Полларнинг асосий конструктив элементлари қуйидагилардан иборат:

Қоплама - полнинг устки элементи, барча эксплуатацион таъсирларни бевосита қабул қилади. Уларни яхлит, ўрамли ва донадор материаллардан қилиш мумкин.

Яхлит полларга бетон, асфалтобетон, ксилолит, мастикали поллар киради. Ўрамли материаллардан қилинадиган полларга линолеум, релин поллар, донадор материаллардан қилинадиган полларга бетон, керамик, пластмасса, чуян ва бошқа плиталардан, чорқирра тошлардан, ёғоч шашкалардан ва ғиштдан қилинадиган поллар кирадилар.

Тўшама қатлам - грунтда пол қилинганда юкларни заминга тақсимловчи элемент. Уни ҳам бетондан, шағалдан, шебендан, кумдан, шлакдан, тошлардан қилиш мумкин. Тўшама қатламнинг қалинлиги ҳисоблаб топилади, лекин бетон учун 100 мм дан, кум учун 60 мм дан, тошлар учун 120 мм дан, шағал, шебен ва шлак учун 80 мм дан кам бўлмаслиги керак.

Ёпма устида пол қилинганда тўшама қатлам ўрнига товуш изолясияси қатлами қилинади. Товуш изолясияси сифатида кум, майда шлак тушамасидан фойдаланиш мумкин.

Оралик қатлам - устки қопламани тўшама қатламга бирлаштирувчи ёки устки қоплама учун еластик ёстик вазифасини бажарувчи қатлам. Бу мақсадда цемент-кум қоришмасидан (10-15 мм қалинликда), суюқ шишадан (10-25 мм), турли мастикалар (1-3 мм) ва кумдан (10-15 мм) фойдаланиш мумкин. Чуян плиталардан пол қилганда оралик қатлам вазифасини қалинлиги 60-220 мм, йирик бетон плиталар қўлланилганда қалинлиги 25-40 мм кум қатлами бажаради.

Текисловчи қатлам - полнинг бикр бўлмаган ёки ғовак элементлари устида бикр ёки зич қобиқ ҳосил қилувчи қатлам. Бу қатламни цемент-кум қоришмасидан 20-50 мм қалинликда, ксилолитдан 15 мм, бетондан 20-40 мм ва енгил бетондан 20-60 мм қалинликда қилинади.


Гидроизоляция -оқар сувлар ва бошқа суюқликларнинг пол орқали заминга ва аксинча, грунт сувларининг полга киришига қаршилик кўрсатади. Биринчи ҳолатда ёпиштириладиган гидроизоляция қатламини пол қопламаси остидан қилинади. Иккинчи ҳолатда қуйма, асфалт ёки ёпиштириладиган гидроизоляцияни тушама қатлам остидан жойлаштирилади.

Ёпиштириладиган гидроизоляция 3-5 қатлам толдан, 2-4 қатлам гидроизолдан ёки 1-2 қатлам полизобутилендан бўлиши мумкин. Ёпиштириш учун битумдан фойдаланилади. Қуйма гидроизоляция битум ёки дегот шимдирилган бир қатлам шебендан ҳосил қилинади.

Полдаги иссиқлик ва товуш изоляцияси қатламини минерал пахта, шиша толали плита ва матлардан, ёғоч толали плиталардан, енгил бетон ва бошқа материаллардан қилинади.

Саноат биноларида яхлит қопламали поллар кўпроқ қўлланилади. Уларнинг бир неча тури мавжуд.

Бетон поллар Б20 - Б30 класс бетондан қилинади. Қалинлиги 20-30 мм. цемент туруни полга қўйиладиган талабларга мўвофиқ танланади. Бундай поллар нам хоналарда, полда транспорт кўп юрадиган ҳолларда қўлланилади (1-расм).



1-расм. Саноат ва ишлаб чиқариш бинолари полларининг асосий типлари:

а-бетон пол; б-металлоцемент пол; с - асфалтобетон пол; d -бир қатламли ксилолит пол; е-полимерцементобетон пол; f-поливиниласетат пол; g-бетон плиталардан қилинган пол; h- керамик плиталардан қилинган пол; i- чорқирра тошлардан цемент-қум қоришмасида қилинган пол; j- ёғоч шашкалардан мастикада қилинган пол; k - чуян плиталардан қилинган пол; l - поливинилхлорид линолеумдан қилинган пол.

Кошинкор қопламали поллар ҳам Б20 – Б30 класс бетондан унга мармар, гранит ва базалт ушоқларини қўшиб қилинади. Қалинлиги 20 - 25 мм бўлади.

цемент-қум ва металлоцемент поллар бетон поллар қўлланилган шароитларда қўлланилади. цемент-қум қопламаси маркаси 200-300 қоришмадан 20-30 мм қалинликда қилинади. Металлоцемент қопламанинг таркиби металл қиринди, цемент ва сувдан иборат. Металл қиринди ва цементнинг ҳажмий нисбатлари 1:1 қабул қилинади. Қоришманинг қалинлиги 15-20 мм бўлса етарли. Бундай поллар

кислота томиши хавфи бор, учқин чиқиши атроф муҳит учун хавфли бўлган биноларда қўлланилмайди.

Асфалтобетон поллар - бетон полга нисбатан чидамсизроқ унча катта бўлмаган зарба, транспорт ҳаракати кам бўлган, полга сув таъсир этадиган ҳолларда қўлланилади. Уларнинг қалинлиги 25-50 мм қабул қилинади, Асфалтобетон пол битумдан, қум, шебен ёки шағалдан ташкил топади. Бундай пол шовқинсиз, еластиклик ва диелектриклик хусусиятларига эга. Асфалтбетон полни бетон, тош ва шебендан қилинган мустаҳкам асосга ётқизилса узоқ хизмат қилади.

Ксилолит поллар - қуруқ хоналарда, интенсив ҳаракат бўлмаган жойларда қўлланилади. Бундай полнинг таркиби каустик магнезит, магний хлориднинг сувдаги еритмаси, ёғоч пайрахалар, арратупон, қум ва минерал пигментдан ташкил топади. Пол қопламласини бир ёки икки қатлам қилинади. Бир қатламли қопламанинг қа-линлиги 15-20 мм, икки қатламли қопламанинг ҳар бир қатламининг қалинлиги 8-10 мм бўлади. Бундай поллар намга чидамсиз, одатда ғадир-будир, кўп меҳнат талаб қилади.

Полимерцементбетон поллар - поливиниласетат ва латексцементдан фойдаланиб қилинади. Боғловчи модда комплекс - полимер ва портландцемент, тўлдирувчилар - шебен, қум, пигмент ва сувдан иборат. Пол қопламасининг қалинлиги 20 мм қабул қилинади. Бундай пол мустаҳкам, чиройли, осон тозаланади ва куп химиявий таъсирларга чидамли.

Поливиниласетит пол -таркиби ПВА емулсияси, минерал кукун, пигмент ва сувдан иборат. Пол қопламаси 2-3 қатламдан иборат бўлади. Ҳар бир қатламнинг қалинлиги 3-4 мм дан қилинади. Бундай поллар ҳам ейилмайди, чиройли, еластиклик хусусиятига эга.

Саноат биноларида қўлланиладиган айрим донатор материаллардан қилинадиган полларнинг номлари деярли яхлит полларникидек аталади. Бетон, кошинкор, цемент-қум, ксилолит, асфалтобетондан плиталар ясаиб поллар қилинади.

Саноат биноларида кўп қўлланиладиган поллардан донатор материаллардан қилинадиганларига яна қуйидаги поллар киради.

Чорқирра тошлардан териладиган поллар -сехларнинг юқори температурали, оғир зарбалар, химиявий таъсирлар бор жойларида қилинади. Чорқирра тошларни гранитдан, базалтдан ўлчамларини 150x200 мм, баландлигини 120-180 мм қилиб кесиб олинади. Тошларни бетон тўшамага қум, цемент-қум ва мастика воситасида ётқизилади.

Ғишт (клинкер) поллар - ғиштни қирраси билан қўйилиб ёки ётқизилган ҳолда теришиб қилинади. Ёғоч шашкалардан пол -кишилар узоқ вақт туриб ишлайдиган хоналарда қилинади. Сабаби улар шовқинсиз, юмшоқ. Ёғоч шашкалар тўртбурчак ва олтибурчак кўринишида бўлиши мумкин. Шашка кесимининг ени 60-100 мм, узунлиги 80-250 мм, баландлиги 60-80 мм бўлади.

Металл поллар айрим ҳолларда қўлланилади. Хусусан, иссиқ сехларнинг полга оғир предметлар тушиши, металл қуйилиши мумкин бўлган участкаларида пўлат ва чуян плиталардан пол қилинади. Чуян плиталарнинг ўлчамлари 248x248 ва 298x298 мм, қалинлиги 6 мм, қовурғаларининг баландлиги 42 ва 30 мм бўлади. Тешикли штампланган пўлат плиталарнинг ўлчамлари 300x300 мм, қалинлиги 2,5-3 мм ва

баландлиги 19 мм қабул қилинган.

Металл плиталар майда тўлдирувчи бетон ёки қумга терилади. Шунга қараб тўшама қатлам учун материал танланади.

Саноат биноларида қўлланиладиган линолеум, тахта ва паркет полларнинг конструктив ечими граждан биноларида қўлланиладиган конструкциялардан фарқ қилмайди.


Турли хил поллар бир-бирига бириккан жойларда четига полларни хошиялаб турувчи уголникдар қўйилади. Полнинг деворга бирикадиган жойларида плинтус ёки галтел қилинади. Плинтуслар ёғоч рейкалардан ёки полимер материаллардан бўлиши мумкин.

Бетон, цемент, кошинкор ва асфалтобетон полларда плинтусни цемент қум қоришмасидан қилиш мумкин.

ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИНИНГ ПОЛЛАРИ.

Бинолардаги хоналарда инсон учун шинам шароит яратиш ва санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган сирт ҳосил қилиш учун ертула, сокол ва қаватлараро ёпмалар устида ёки биринчи қаватларда бевосита грунт устида пол қилинади.

Ёпма ёки грунт устида қилинишидан қаътий назар полнинг конструкцияси-га кирадиган қўйидаги қатламларни ёки элементларни ажратиб кўрсатиш мумкин (2-расм).



2-расм. Турар жой бинолари полларнинг конструктив схемаси:

1 – пол тўшамаси; 2 - боғловчи қатлам; 3 - текисловчи қатлам; 4 - изолясия қатлами; 5 - остки тўшама қатлам; 6 - юк кўтарувчи асос ёки конструкция.

Пол тўшамаси - полга бўладиган барча эксплуатацион таъсирларни бевосита қабул қиладиган устки қатлам. Унинг материалига қараб полга ном қўйилади (тах-та пол, паркет пол, линолеум пол, керамик пол ва шунга ўхшаш).

Боғловчи қатлам - пол тўшамасини унинг остидаги элемент билан боғлайди (бириктиради).

Текисловчи қатлам - пол таркибига кирган иссиқлик изолясияси, товуш изолясияси ёки бошқа бирор махсус қатлам ёки элемент устида пол тўшамаси учун қаттиқ текис асос ҳосил қилади.

Изолясион қатлам. Бу қатлам бажарадиган вазифасига кўра намлик, иссиқлик ёки товуш изолясияси қатлами бўлиши мумкин.

Остки тўшама қатлам. Бу қатлам ёки элемент полга тушадиган юкларни қабул қилиб, уларни пол грунт устида қилинган ҳолларда заминга (асосга) узатади. Пол ёпма устида қилинган ҳолларда полнинг остки тўшама қатлами ва юк кўтарувчи конструкция вазифасини ёпма плитаси ёки конструкцияси бажаради.

Полларнинг конструктив ечими пол тушамаси учун қандай материал қўланилганлигига, уларнинг конструктив хусусиятларига боғлиқ ҳолда қабул қилинади. Турар-жой ва жамоат биноларида пол тушамаси сифатида одатда тахта, паркет, ДСП плиталар, линолеум, керамик ва кошинкор плиталар ҳамда кошинкор цемент-қум қоришмаларидан фойдаланилади. Пол конструкциясидаги тўшама қатлам учун қандай материал қўлланилишини пол эксплуатация қилинадиган хонанинг вазифаси ва ундаги муҳит-шароит белгилайди.

Турар-жой бинолари учун хонадаги ҳаво температураси ва пол сиртидаги температура орасидаги фарқ 2°C дан ошмаслиги керак. Пол тушамаси сиртининг иссиқлик узлаштириш коэффициентини C нинг қиймати $12 \text{ Вт/м}^2\cdot^{\circ}\text{C}$ дан кўп бўлмаслиги лозим. Иссиқлик узлаштириш коэффициенти нисбатан кам бўлганлиги учун яшаш хоналарида ва бошқа асосий хоналарда пол тўшамаси сифатида тахта ва тахтадан қилинадиган паркет, ДСП плиталари кўп қўлланилади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Саноат бинолари полларининг конструктив элементлари қандай?
2. Яхлит қопламали полларни изоҳланг.
3. Донадор ва ўрамли материалли полларни изоҳланг.
4. Турар жой бинолари полларини қандай турлари бор ?

**“БЕТОН ПОЛЛАР” МАВЗУСИДА ДАРС ЎТИШ ЖАРАЁНИДА
ЙЎНАЛТИРУВЧИ МАТН УСУЛИ**

**ТАЪЛИМ БЕРУВЧИ
ФАОЛИЯТИ**

**ТАЪЛИМ ОЛУВЧИ
ФАОЛИЯТИ**

Ўқув материаллари ва
йўналтирувчи саволларни
бериш

Ўқувчиларнинг мустақил
фикр юритишлари ва
маълумот йиғиш

Олдиндан тайёрланган
режалаштиришга оид
варақларни тарқатиш

Ўқувчилар мустақил
равишда режа тузادилар

Тайёрланган таклифларни
муҳокама қилиш

Ўқувчилар мустақил
равишда қарор қабул
қиладилар

Мавжуд муаммоларни
муҳокама қилиш

Ўқувчилар топшириқни
мустақил равишда амалга
оширадилар

Баҳолаш варақларини
талабалар билан
биргаликда ишлаб чиқиш

Ўқувчилар натижани
мустақил равишда
текширадилар

Мазу якуни бўйича
талабалар билан
биргаликда ишлаб чиқиш

Ўқувчилар натижани бўйича
мустақил равишда хулоса
чиқарадилар

**Бетон полларни ?уриш ишлари
дарсни технологик харитаси**

[illegible]

«Қурилиш ишлари» таълим йўналиши талабалари учун «Қурилиш ишлари» фанидан талабалар билимини рейтинг тизимида баҳолаш

МЕЗОНЛАРИ

Талабаларнинг фан бўйича ўзлаштириш даражасини аниқлашда қуйидаги баҳолаш турларидан фойдаланилади.

Жорий баҳолаш (ЖБ) – фаннинг ҳар бир ёки бир неча мавзуси бўйича талабанинг билим ва лаборатория кўникмаларини баҳолаб бориш учун лаборатория машғулотларда амалга оширилади.

Оралиқ баҳолаш (ОБ) – фаннинг назарий қисмидан бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича назарий машғулотлар ўтилгандан сўнг маъруза машғулотларида амалга оширилади.

Якуний баҳолаш (ЯБ) – фаннинг умумий мазмуни доирасида семестр якунида маъруза машғулотлари тутагандан сўнг ўтказилади.

Мустақил иш ЖБ ва ОБларда қўшиб баҳоланади. Шунинг учун ўқув режасида мустақил иш учун белгиланган соатларни аудитория дарслари турлари бўйича соатларга пропорционал ҳолда тақсимлаб олинади.

Машғулот турлари бўйича соатлар тақсимоти 5 семестр

№	Машғулотлар	Аудитория соати	Мустақил иш, соат	Умумий вақт сарфи, соат
1.	Назарий	30	25	55
2.	амалий машғулотлари	28	12	40
Жами:		53	42	95

Фан бўйича талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл–**100 балл**. Низомга кўра белгиланган соатларни ҳисобга олган ҳолда ЯБга 30 балл, ЖБ ва ОБларга 70 балл ажратилади. Шу жумладан:

- маъруза машғулотлари бўйича ОБлар учун 30 балл,
- амалий машғулотлари бўйича ЖБлар учун 40 балл,
- барча машғулотлар бўйича ЯБ учун 30 балл белгилаб олинди.

1. Жорий баҳолаш (ЖБ)

Амалий машғулотлари учун белгиланган 40 балл 2 та ЖБлар бўйича қуйидагича тақсимланди:

1-ЖБ учун 20балл, 2-ЖБ учун 20балл.

Амалий машғулотлари бўйича ЖБ механизмлари

№	Баҳо-	Ўтка-	Бажариш	Талаба тўп-	Бажариш	Изоҳ
---	-------	-------	---------	-------------	---------	------

	лаш тури	зилиш шакли	механизми	лаши мумкин бўлган мак- симал балл	вакти	
--	-------------	----------------	-----------	--	-------	--

1.	1-ЖБ	Оғзаки	Ҳар бир талаба бажарган амалий ишларини тушунтириб беради	20 балл	дарс жараёнида	
2.	2-ЖБ	Оғзаки	Ҳар бир талаба бажарган амалий ишларини тушунтириб беради	20 балл	дарс жараёнида	

Амалий машғулотлари бўйича ЖБда:

«аъло» баҳога $(86-100)=35-40$ балл,
«яхши» баҳога $(71-85)=29-34$ балл,
«қониқарли» баҳога $(55-70)= 22-28$ балл,
«қониқарсиз» баҳога эса $(< 55) =21$ баллдан кам.

2. Оралиқ баҳолаш (ОБ).

Назарий машғулотлари учун белгиланган 41 балл 2 та ОБлар бўйича қуйидагича тақсимланди: 1-ОБ учун 15 балл, 2-ОБ учун 15 балл.

Назарий машғулотлари бўйича ОБ механизмлари

№	Баҳо- лаш тури	Ўтка- зиш шакли	Бажариш механизми	Талаба тўп- лаши мумкин бўлган мак- симал балл	Бажа- риш вакти	Изоҳ
1.	1-ОБ	оғзаки	Қисм бўйича 3 та саволдан иборат вариантлар асосида савол- жавоб утказилади	Ҳар бир саволга тўғри жавоб учун 5 баллдан, жами 15 балл билан баҳоланади	Дарсдан ташқари вақтда белгилан ган график асосида	Саволлар 5- семестр учун тузилган ишчи ўқув дастури асосида тузилган

2.	2-ОБ	оғзаки	Қисм бўйича 3 та саволдан иборат вариантлар асосида савол-жавоб утказилади	Ҳар бир саволга тўғри жавоб учун 5 баллдан, жами 15 балл билан баҳоланади	Дарсдан ташқари вақтда белгиланган график асосида	Саволлар 5-семестр учун тузилган ишчи ўқув дастури асосида тузилган
----	------	--------	--	---	---	---

Назарий машғулоти бўйича ОБда:

«аъло» баҳога (86-100) = 26-30 балл,
«яхши» баҳога (71-85) = 22-25 балл,
«қониқарли» баҳога (55-70) = 17-21 балл,
«қониқарсиз» баҳога эса (<55) = 17 баллдан кам.

3. Якуний баҳолаш (ЯБ).

Фан бўйича талаба олган назарий билимлар ва амалий кўникмаларни баҳолаш учун семестр охирида ЯБ ўтказилади.

Барча машғулоти бўйича ЯБ механизми

№	Баҳо-лаш тури	Ўтказиш шакли	Бажариш механизми	Талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл	Бажа-риш вақти	Изоҳ
1.	ЯБ	ёзма	3 та назарий саволдан иборат вариантлар асосида ёзма назорат ўтказилади	Ҳар бир саволга тўғри жавоб учун 10 баллдан, жами 30 балл	Дарс жараёнидан ташқари вақтда, белги-ланган график бўйича	Саволлар ЯБ учун 5 чи семестр учун тасдиқланган ишчи ўқув дастури асосида тузилган

Талабалар билимини ЯБда:

«аъло» баҳога (86-100) = 26-30 балл,
«яхши» баҳога (71-85) = 22-25 балл,
«қониқарли» баҳога (55-70) = 17-21 балл,
«қониқарсиз» баҳога эса (<55) = 17 баллдан кам.

МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат даражасига эришганлиги муносабати билан ўзбек халқи ўзининг давлат конституциясини, муқаддас байроғини, герб, мадҳиясини қабул қилиб ўзининг мустақил валюта бирлигига эга бўлди.

Жамиятимизнинг ижтимоий янгиланиш даври бошланишида миллий мафкурадан воз кечишни тарғиб қилувчилар ҳам бор эди.

Республика президенти И.А.Каримовнинг ёзувчилар билан учрашиб қилган суҳбатида, бу соҳада бўлиниш вужудга келганини, миллий мафкуранинг йўқлигини рад этиб, уни яратиш жуда ҳам муҳим бўлиб, зудлик билан ҳаётга татбиқ этишни олдимизда турган энг муҳим вазифа қилиб қўйган эди.

Чунки миллий мафкура кенг қамровли дунёқарашни шакллантириш ва тарбиялаш илмидир. У хилма-хил ва баъзи тарққоқ қарашларни умумий мақсад йўлида яқинлаштиради ва бирлаштиради. Янги мафкура миллий онг, туйғуни сиёсий маданият билан қўшишда муҳим ўрин эгаллайди.

Чунки бу мафкура одамларнинг онги, тафаккури, қарашлари, тасаввур тушунчалари, эътиқоди, дунёқараш, билим даражаси турлича эканлигини эътиборга олади.

Мустақилликни мустаҳкамлаш ва янги жамият қуришни амалга ошираётган бир пайтда халқ оммасини унга йўналтирмай ва уюштирмай туриб рўёбга чиқариш мумкин эмас. Демак, халқни шу мақсад атрофида уюштириб, сафарбар қилувчи ғояларга эга бўлиши керак. Бу ижтимоий ғоялар миллий мафкуранинг уйғунлашуви натижасида намоён бўлади.

Мустақилликка энди эришган давримизда ҳали Ўзбекистон миллий мафкурага эга эмас эди ва ташқаридан тайёрини олиб ҳам бўлмас эди. Шу боис, миллий мафкурани ишлаб чиқиш ва асосий вазифалардан бири эди.

Миллий мафкурани асослаш ва йўналишларини белгилаш Президентимизнинг асарлари, мақолалари ва нутқларида белгилаб берилган эди. Бу мафкурани ишлаб чиқиш ва ёшлар онгига сингдиришда ижтимоий фанларни ўрни буюк. Бу фанлар олам, ижтимоий тараққиёт ҳақида назарий билмилар бериш билан бир қаторда ёшларнинг дунёқараш мафкурасини юксалтириш, мавжуд мафкурани уларнинг онгига сингдириш ишида етакчи ўринни эгаллайди.

Мустақиллик туфайли миллий хусусиятларимизни қамраб оладиган ижтимоий фанларни ўқитиш, дарсликлар, адабиётларни чоп этиш давом этмоқда. “Чунки миллий мафкура зиддиятни тинч йўл билан ҳал этиш, мувозанатни сақлаш, томонларини ижтимоий қавуштириш асосида изчил ривожланиш ғоясини тарғиб қилишни ақидаликни, зўровонлик тазйиқни инкор этиб, фикрлар ранг-баранглигига, ижобий фикрий ташаббусларга кенг йўл бериши лозим”.

Миллий мафкура ахлоқий ва ҳуқуқий тарбияга катта эътибор бериши, қонунга риоя қилиши, демократия ва ҳурмат интизомлилик руҳида суғорилган бўлиши зарур. Миллий мафкуранинг сиёсатдан устун туриши, сиёсий тебранишдан озод бўлиши, унинг узоққа мўлжалланиб ривож топишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий фан вакиллари файласуфлар, ҳуқуқшунослар, тарихчилар миллий

мафкурани ёшларга сингдиришга фаол бўлишлари керак. Миллий мафкура халқимизнинг амалий анъаналарига, удумларига, интилишларига, руҳиятига асосланиб, келажакга ушбу меъёр, оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат ватанпарварлик ва халқпарварлик туйғулари ёшлар онгига сингдирилиши керак. Шу билан биргаликда миллий мафкура халқимизнинг ўз қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда умуминсоний кадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятида тараққий этган давлатлар қаторида тенг ҳуқуқли, муносиб ўрин эгаллаган ижтимоий хусусиятини ёш авлодга доимо сингдириш зарур.

Ёшлар тарбиясидаги асосий масалалардан бири талабаларнинг дарсдан бўш вақтларида уларни ранг-баранг машғулотлар билан банд қилиш, уларнинг мустақил ишлаш саъвиясини оширишга эътибор бериш зарур. Улар билан турли хил савол-жавоблар кечалар ташкил қилиш ва уларга фаол қатнаштириш катта аҳамиятга эгадир.

Алишер Навоийнинг “ Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл, тила хилвату анжуман ичра бўл” деган сўзлари шуни билдирадики, ўз ўрнида анжуманлар ҳам инсонни тарбиялайди.

Талабалар онгида миллий кадриятларга ҳурмат туйғусини шакллантириш

Бугунги даврда халқимиз, давлатимизнинг асосий максалларидан бири-баркамол, янги, комил шахсни устиришдир. Олийгоҳларда тахсил олиб келаётган талабалар шахсиятининг комиллиги, уларнинг индивидуал-психологик сифат-хислатларини, педагогик маъоратини йуналтирувчи кўрсаткичлари таркибида миллий кадриятлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек «чинакам маърифатли одам, инсон кадрини, миллат кадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаш учун фидойилик билан курашиш мумкин».

Мустақиллик эра, тушунчалари, уларни тўғри идрок этиш, тушуниш ва тушунтириш бугунги куннинг асосий кадриятларидандир. Талабалар онгида мустақиллик дунёкарашини йуналишини туғри бошқариш - янги, комил, ёр томонлама ривожланган демократик типдаги кадр тайёрлашнинг асосидир.

Фалсафанинг етакчи қонуниятларига кўра мақсади инсонни улуғлаш, унинг бахтли, тинч ҳаётини таъминлашга, авлодни биологик, физиологик, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий кадриятларини тиклаш, ўстиришга қаратилган. Хар бир инсон, хар бир халқ ўзлигини, ўз тарихини англаши, у билан фахрланиши-жамоа ва шахс ривож топишиини омилидир. Тарихни ўрганиш, ҳулосаларни далил билан исботлаш, ўзликни англашга, ривожлантиришга пойдевор бўлади. Бўлажак ракобатбардош «педагогик кадрларни кадриятлар рўҳида тарбиялаш-олийгоҳ олдидаги

асосий вазифалардандир. Бу мақсадга эришиш учун олийгоҳларда имкониятлар мавжуд ва улардан кенг фойдаланилмоқда.

Талабаларда, улар онги ва тафаккурида кадриятларни тарбиялаш тарбияланувчидан умумий касбий тайёргарликдан ташқари, махсус тайёргарликни талаб этади. Бу тайёргарлик асосини юқори даражадаги педагогик, психологик, фалсафий, сиёсий, маънавий ва социологик билим, малака ва кўникмалар ташкил этиш. Бу билимлар, интегратив ҳолатда, тарбиячининг тайёргарлигини вужудга келтиришда замин яратадилар.

Бу мақсадга эришиш учун тарбиячи талабалар онги, тафаккурида миқдор ўзгаришини рўй беришга ҳисса қўшади ва кадриятларни миқдор ўзгаришини сифат ўзгаришларига ўтишини бошқаради, таъминлайди. Тарбиячи ҳар бир маъруза, семинар ва амалий машғулот дарслари вақтида, тарбиявий соат ва талабанинг индивидуал ўз-ўзини ўқитиш, тарбиялаш жараёнини бошқаришда мақсадли, тизимли йуналишда тадаба онги ва тафаккурида қандай сифат ўзгаришлари руй бермоғи ҳақида узлуксиз диагностик ахборот олиб, уни таҳлил этиб, керакли хулосалар чиқаради. Бу фаолият ҳар бир педагог учун зарур бўлган бошқарув психологияси ҳақидаги билим, малакалар асосида олиб борилади ва прогностик характерга эга. Педгог-тарбиячи талабалар онги ва тафаккурида кадр-кимматга эга бўлган, келажак учун замин яратадиган гоё ва тушунчаларни, кадриятларни ўстириш учун аксеологик тайёргарлигига ҳам эга бўлмоғи лозим.

Прогностик тайёргарлик педагог-тарбиячи фаолиятида, тушунчаларни таҳлил этиш, кадриятларни ажратиб олиш, уларни талабалар дунёқдрашига айлайтиришда муҳим роль уйнайди. Прогностик тайёргарлик тарбиячини ҳар қандай ҳатоликлардан саклайди.

Талабалар онги, тафаккурида Милли й ва умуминсоний кадриятларни илмий асосда ўстириш педагог-тарбиячидан, унинг касбий тайёргарлигидан коррекцион (ўз вақтида ҳатоликларнинг олдини олиш) фаолиятини ҳам талаб этади. Кўрсатилган бошқарув психологиясининг тушунча, категориялари бир-бири билан боғлиқдир. Улар тарбия жараёнида интеграл ҳолатда тизимли ва мақсад билан ишлатилгандагина ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Бугунги кунда асосий, йуналтирувчи, фундаментал кадриятларга айланган, дадил ҳаётимизга кириб келган Ёоё, тушунчалардан мустиқлик, демократия, бозор иқтисодиёти, шахсий мулкдорчилик, ишбилармонлик, ватанпарварлик, узликни англаш, тинчликсеварлик, ракобатбардошлик, комиллик, билимлилик, виждонлилик ва бошқалардир. Бу кадриятни талабалар онги тафаккурида ўстириш - бўлажак кадрларнинг маънавий камолотини шакллантиришда имкон яратади. Талабаларда кадриятларни тарбиялаш - уларнинг ички дунёси, янги дунёқарашини иродаийлик ва фаоллигини вужудга келтиришга сабаб бўлади.

Талабалар онги, тафаккурида кадриятларни ўстириш, киммага эга, эртанги кун учун хизмат қилидиган Ёоё, тушунча, одатлар, моддий кадриятларни ривожлантириш, уларни ички ҳатти-ҳаракатни бошқарувчи куч - мотивацияга, талаб, эҳтиёжга айлантириш - педагог-тарбиячи олдида турган

вазифадир. Кўрсатилган вазифани ҳаётга татбиқ этиш ўта масъулиятли фаолиятдир. Олийгоҳ шароитида бу вазифани бошқариш учун педагог-тарбиячи га янги ҳаёт тизимини реал тушуниб тушури таҳлил этиш, ўқув тарбия, ижтимоий гуманитар, сиёсий фанлар ютуқлари педагог ҳаётида муҳим омил сифатида хизмат қилади. Ижтимоий-гуман фанлардан фалсафа ўқитувчисининг методологик ва методик касбий фаоллигини таъминлайди. Социология, сиёсатшунослик, диншунослик каби фанлар педагог тарбиячининг керакли билим, малака, кўникмалар тарбиячининг касбий тайёргарлигини юқори даражада ўстириб, Кўйидаги мақсадга оптимал даражада эришишга кўмаклашади.

Педагогик фаолият бошқарув қонуниятларисиз тасаввур,этиш қийин фаолиятдир. Кибернетика фани қонуниятлари педагогни ўқув тарбия илмий асосда олиб боришга асос солади. Сиёсатшунослик фани ҳулосалари устун қадрият сифатида талабалар онги, тафаккурини ижтимоий характериға эға. Сифат ўзгаришдарға асос солади ва ҳам педагог ҳам талабанинг сиёсий маданиятини ўстиришға имкон беради.

Талабалрар гуруҳида тарбиявий соат дарсини олиб бориши:

1-босқич. Ўқитувчи дарсни бо ланишида тингловчиларни 1,2,3,4 рақамлари ёрдамида санаш орқали гуруҳларга бўлади.

2-босқич: «Тарбиявий соат, ахборот соати ва тарбиявий тадбирларни кузатиш ва таҳлил қилиш мезонлари» мавзусининг асосий тушунчаларини ва калит сўзларини еслаш ва кичик гуруҳда муҳокама қилиш. Бунда ҳамма гуруҳ эслаган тушунчаларини ва ғояларни коғозларга ёзади ва гуруҳ ичида муҳокама қилади.

3-босқич: 1-иш: Кичик гуруҳларда янги мавзунини ўрганиш. Бунда ўқитувчи янги мавзунини олдиндан 4 -кичик мавзуга ажратиб чиқади ва ҳар бир гуруҳ битта кичик мавзунини берилган матн асосида ўрганиб чиқиб, ватман коғозида бошқа гуруҳларга тушунтириб бериш учун тайёргарлик кўради ва гуруҳ ичидан битта тақдимотчи тайёрлайди. Тақдимотчининг вазифаси ўз материални мантиқан изчилликда, равон нутқ билан барча тушунтиришдан иборат. Гуруҳларнинг опшириклари қуйидагича:

1-гуруҳ: Ахборот соати. (матн илова қилинади)

2-гуруҳ: Тарбиявий тадбирлар. (матн илова қилинади)

2-иш: гуруҳларларнинг чиқишлари.(ҳар бир тақдимотчига 4 мин)

3-иш: Ўқитувчининг «Тарбиявий соат, ахборот соати ва тарбиявий тадбирларни кузатиш ва таҳлил қилиш мезонлари» бойича маълумотлари. Кичик маъруза слайдлар асосида (слайд ва маъруза илова қилинади)

4-босқич: 1-иш: Гуруҳларда битта метод бойича маълум бир мавзунини танлаб, дарс ишланмаси тайёрлаши

2-иш: Ишланмаларнинг муҳокамаси.

5-босқич: Мавзу бойича савол-жавоб ўтказиш.

Саволларнинг намуналари:

1. Тарбиявий соатни ўтказиш методикасининг асосий вазифалари нималардан иборат?

2. Ахборот соати деганда нимани тушунаси?

3. Тарбиявий тадбирларни кузатишга нималар киради?

4. Таҳлил қилишга қандай дидактик талаблар қойилади?

6-босқич: Мустақил бажариш учун топшириқлар (уйга вазифа):

Мавзунини «Кластер» услубида баён қилинг.

Маънавий ва маърифий ишлар бўйича ЙИЛЛИК ИШ ДАСТУРИ

№	Тадбирларнинг номи	Бажариш муддати	Масъул котиб
1.	Ўқув хонасининг Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримов ва давлатимизнинг рамзий байроғи, герби, мадҳиясига оид плакатлар билан жиҳозлаш	Сентябр	Гуруҳ раҳбарлари
2.	1 сентябрь «Мустақиллик куни»га бағишланган тадбир	Сентябр	Маъмурият
3.	Гуруҳ талабалари билан танишиш. Билим	Сентябр	Гуруҳ раҳбарлари

	тартиб қоидалари билан таништириш		
4.	Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги. Мустақиллик дарси	Сентябр	Гуруҳ раҳбарлари
5.	Коллежнинг ички тартиб қоидалари. Ўқувчиларнинг вазифалари, бурч ва ҳуқуқлари	Сентябр	Гуруҳ раҳбарлари
6.	Ватанимиз рамзларини ўрганамиз.	Сентябр	Гуруҳ раҳбарлари
7.	Йўлда юриш қоидалари. Хавфсизликка риоя қилиш	Сентябр	Гуруҳ раҳбарлари
8.	Устоз – улоғ зот	Сентябр	Гуруҳ раҳбарлари
9.	Китоб истеъдод меваси. Кутубхонадан фойдаланиш тартиби	Сентябр	Гуруҳ раҳбарлари
10.	Самарқанд - қадимий ва навқирон шаҳар (Таризхий жойларга саёҳат)	Октябр	Гуруҳ раҳбарлари
11.	21 Октябр – Тил байрами куни	Октябр	Гуруҳ раҳбарлари
12.	Одоб – одам беағи. Муомала одоби ҳақида суҳбат	Октябр	Гуруҳ раҳбарлари
13.	Диний экстремизм ва фундаментализм ҳақида. Огоҳликка даъват- давр талаби	Ноябр	Гуруҳ раҳбарлари
14.	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида	Декабр	Гуруҳ раҳбарлари
15.	«Милий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар» фанини ўрганамиз	Декабр	Гуруҳ раҳбарлари
16.	Гиёҳвандлик оқибатлари ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида	Декабр	Гуруҳ раҳбарлари
17.	Президентимиз билан фахрланамиз. И.Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганайлик	Январ	Гуруҳ раҳбарлари
18.	Ватан ва унинг халқига муҳаббат ила ённамиз. Ватан ҳимоячилари куни ҳақида	Январ	Гуруҳ раҳбарлари
19.	Тозаликни сақланг. Соғ - танда соғлом ақл	Январ	Гуруҳ раҳбарлари
20.	Буюк ўзбек шоири, мутафаккир Алишер Навоий таваллуди муносабати билан тадбир.	Феврал	Гуруҳ раҳбарлари
21.	Нонни эъзозланг	Феврал	Гуруҳ раҳбарлари
22.	8- март Халқаро хотин-қазлар куни	Март	Гуруҳ раҳбарлари
23.	Наврўз – меҳр-оқибат байрами	Март	Гуруҳ раҳбарлари
24.	«Кадрлар Тайёрлаш Миллий Дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг моҳияти ҳақида	Апрел	Гуруҳ раҳбарлари
25.	Давлат арбоби улуғ соҳибқирон Амир Темур таваллуди муносабати билан тадбир.	Апрел	Гуруҳ раҳбарлари
26.	«Маънавият ва маърифат» Республика жамоатсилик маркази ташкил этилганлигининг 10 йиллиги	Апрел	Гуруҳ раҳбарлари
27.	Хотира – муқаддас туйғу муносабати билан	Май	Гуруҳ раҳбарлари

	тадбир.		
--	---------	--	--

ТАЛАБАЛАРДА ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК МАЗМУНДАГИ ИШЛАР

Табиатни севиш, ундан тўғри ва оқилона фойдалана билишни тарбиялаш экологик тарбия асоси бўлиб, талабаларда табиат олдида масъулиятни англаш малакасини ҳосил қилади. Ватанни севиш, ватанпарварлик табиатни севишдан бошланади. Бинобарин, талабаларда табиатга нисбатан ҳақиқий муҳаббат туйғусини ҳосил қилмай туриб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мумкин эмас. Инсоннинг табиат кучоғида бўлиши уни руҳан тетиклаштириб, унинг меҳнат қобилиятини ва ижодий фаолиятини оширади.

фанлараро экологик мазмунда лаборатория ишларини бажариш талабаларда илмий дунёқарашни шакллантириб, оламни диалектик билиш имкониятини туғдиради.

Атроф дунё ҳодисалари ва жараёнларининг содир бўлиши ҳамда уларнинг ривожланиш қонуниятлари моҳиятини фанлараро очиб беради.

фанлараро экологик мазмунда лаборатория ишларини бажариш қуйидаги имкониятларга эга:

- табиат ҳодисаларининг ўзаро боғлиқлигини тўғри талқин қилиш;
- талабаларда табиат қонунларини илмий билиш ҳамда улардан амалиётда тўғри фойдаланишга ишонч ҳиссини уйғотиш;
- табиат – фан- техника тараққиётининг ўзаро функционал боғланишни илмий очиб бериш;
- талабаларга назария ва амалиёт уйғунлигини илмий тушунтириш;

Табиат ва жамиятнинг бир – бирига таъсири дастлабки босқичларда инсоннинг табиатга мослашуви муҳит хусусиятлари инсоннинг мавжудлиги ва унинг тараққиёти учун муҳим омил бўлган. Аммо худди шу даврлардаёқ табиат ва жамият ўртасидаги уйғунлик бузила борган.

Табиат ва жамият ўзаро таъсирининг иккинчи босқичи ишлаб чиқарувчи кучларнинг маълум даражада ривожланганлиги билан тавсифланади. Бу даврга келиб, табиий муҳитда катта ўзгаришлар рўй берган. Табиатни мақсадга мувофиқ ўзгартириш бўйича маълум ишлар амалга оширила борган. Учинчи босқич эса буг, кейинчалик электр, сўнгра ядро энергияси асри бўлиб тавсифланади. Шуларга кўра ишлаб чиқаришда сифат ўзгаришлар содир бўлиши – бу даврнинг муҳим белгилари.

Табиат ва жамият ўртасидаги зиддиятнинг бундай кескинлашуви экологик аҳволнинг ёмонлашувига олиб келди.

Экологик аҳволни соғломлаштириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа омилларга боғлиқ. Экологик муаммоларни ҳал этишда педагогик йўналиш муҳим аҳамият касб этади.

Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда фанлараро экологик мазмунда лаборатория ишларини бажариш талабаларда амалий кўникма ва малака шаклланишига ёрдам беради. Фанлараро лаборатория ишларини бажариш жараёнида талаба ўзи яшаб турган ўлкаси экологиясининг физик асосларини ўрганишга қизиқиши, интилиши, дунёқараши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бундай мазмундаги лаборатория ишларини бажаришга ижобий муносабатда бўлиш ҳиссини уйғотади.

Агар фанлараро экологик мазмунда лаборатория ишлари бажарилиши қийин ёки абстракт бўлса, у ҳолда талаба дарҳол бундай лаборатория ишлари моҳиятини тушуниб олмайди. Талабага ёрдам бериш мақсадида физикадан фанлараро экологик мазмунда баъзи лаборатория ишини бажариб кўрсатиш, сўнгра айримларини уйда бажариб келишни вазифа тариқасида бериши мақсадга мувофиқ.

Талабаларнинг экологик мазмундаги лаборатория ишларини мустақил бажариши талабаларда ўз ўлкасининг экологиясига нисбатан ватанпарварлик руҳида тарбиялайди.

Бугунги кунда бутун жаҳоннинг экстремал ҳудудларида экологик шаҳарлар яратиш ўта тез суръатда ривожланиб, тобора такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда бутун дунё мамлакалари шаҳарларнинг экологик муаммолари долзарб бир даражага кўтарилган. Бу муаммоларни ҳал этиш масаласи эса жуда кўп маротаба кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Республикамиз Президенти ва ҳукумат томонидан архитектура ва шаҳарсозлик соҳасига катта эътибор берилиди. Шаҳарсозлик йўналиши соҳасида бир қатор, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу соҳа юзасидан қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон республикасида ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган экологик жамоат бинолари, аҳолига қулай бўлган, эҳтиёжларини қондириш учун экстремал ҳудудларда экологик шаҳар яратиш долзарб муаммоларини бири ҳисобланади.

Бу атроф муҳитини ва табиийатни ёмонлашиши, экологик муаммолар ва экологик муҳитни пастлиги ҳам бугуннинг долзарб масалаларидан биридир.

Аҳоли яшаш шароитини янада яхшилаш, аҳоли яшаш ҳудудларидаги жамоат марказларини функционал режавий архитектура-бадий кўринишини такомиллаштириш, аҳоли ҳудудидан фойдаланиш, самарадорлигини ошириш, шаҳарсозлик шароитларини тўлароқ ҳисобга олиш билан боғлиқдир.

Бугунги кунда архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида архитектура ва экологик шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони ҳамда ушбу фармон ижроси юзасидан вазирлар Маҳкамасининг “Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, “Шаҳарлар, туман марказлари, экологик шаҳар типидagi посёлкалар ва экошаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида” ги, “Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ва бир қанча шаҳарсозлик фаолиятида ҳукукий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш борасида Давлат ҳокимияти органларига экошаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқилишини ташкил этиш, бош режага, батафсил режалаштириш ва қурилиш лойиҳаларига риоя қилиниши, ҳудудларда ер ажратилишида қонун талабларига риоя этилиши, объектларни жойлаштиришда бош режа муаллифи билан келишиш, навбатчи бош режанинг юритилиши ва жойларда “Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаш” ларининг иш фаолиятлари тизимини

яратилди.

Замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблардан келиб чиқиб, экстремал ҳудудларда экологик шаҳарларни лойихалашда узига хослигини инобатга олиш ҳамда уни индустриаллаштириш, замонавий қурилишдан, автомобил йулларининг ҳолатини, транспорт ва коммуникация хизматларини яхшилашдан, экологик шаҳарларда аҳоли яшаши, турмуш-тарзини ошириш ва қолаверса сифат даражасини яхшилаш асосий мақсад қилиб олинган.

Эндиликда барча лойиҳа ва қурилишларда асосий талаб экологияга қаратилмоқда, яшил ҳудудларни купайтириш, чиқиндилардан унумли зарарсиз қайта ишлаш орқали аҳолини турмуш тарзини яхшиланмоқда.

Бетонные полы

Поиск

Картинки

Видео

Новости

Карты

Ещё ▾

Инструменты поиска

Результатов: примерно 559 000 (0,50 сек.)

Теплые бетонные полы в доме - hotpol.uz

Реклама www.hotpol.uz/ ▾

Теплый пол для дома, квартиры, офиса в Ташкенте. 20 лет гарантия. Звоните.

Картинки по запросу Бетонные полы

Пожаловаться на картинки



Другие картинки по запросу "Бетонные полы"

Бетонные полы Технология устройство бетонных полов ...

www.arsei.ru/site/11 ▾

Бетонные полы Технология устройства промышленных полов разделена по видам промышленного пола: бетонные полы, бетонные полы с ...

Бетонный пол — Википедия

https://ru.wikipedia.org/wiki/Бетонный_пол ▾

Бетонный пол — наиболее широко распространенный вариант перекрытия. Он используется повсеместно: преимущественно в зданиях ...

Бетонные полы. Бетонный пол от Производителя ...

www.teohim.ru/beton/ ▾

Бетонные полы — материалы от производителя, бетонные работы от профессионалов! Бетонный пол является основой для абсолютного большинства ...

Бетонные полы - Промышленные полы

www.feas.ru/betonnyy-pol/ ▾

Бетонные полы — собирательное название определенного рода напольных ... По способу монтажа различают две разновидности полов из бетона:.

Бетонные полы с упрочненным верхним слоем (топпингом)

www.firmaesp.ru/concrete/topping ▾


Пол с топпингом: износостойкие бетонные полы с упрочняющим слоем.

Промышленные бетонные полы с упрочненным верхним слоем: технологии ...

Бетонные Полы в Частном Доме

Декоративные Бетонные Полы

Бетонные Полы Схема



Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. И.А.Каримов Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. 29-август 1997 й.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Т.: 1997. й.
3. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Т.: 1997 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 5-январдаги “Узлуксиз таъли тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида” ги 5 сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 – майдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 204 сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 400-сонли қарори.
7. Ўрта махсус касб-хунар таълими тайёрлов йўналишлари касб ва ихтисосликлар умумдавлаттаснифлагичи. -Т.: 2002, 2004.
8. Абдуллаев А.Х. Аметов А.К. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури фалсафаси, давлат таълим стандартларини ўрганиш бўйича" ўқув қўлланма. -Т.: 2003.
9. Абдуллаев А.Х., Дехкамбаева З. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тайёрлов йўналишлари бўйича тармоқ таълим стандартларини ишлаб чиқиш» услубий қўлланма. -Т.: 2000.
10. Абдуллаев А.Х Дехкамбаева З. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тармоқ таълим стандартларини эксперт баҳолаш» услубий қўлланма. -Т.: 2001
11. Шаперинский С.А. Вопросы теории производственного обучения М: 1981.
12. Скакун В.А. ишлаб чиқариш таълими усталари учун қўлланма-Т: 1995.
13. Ўрта махсус, касб-хунар таълими стандартлаштириш тизимини белгиловчи асосий атама ва таърифлар. Касб-хунар таълими 5 нашр 2001.
14. Абдуҳалиқов Т. Ўрта махсус, касб-хунар таълимида таълим сифати мониторингини ташкиллаштириш илмий-педагогик асослари. Номзодлик диссертацияси.-Т.: ЎМКХТРИ,2003
15. Абдуҳалиқов Т. Касб-хунар таълимида таълим сифати мониторинги.-Т.: МРИ,2003.
16. Даужанова Т. Касб-хунар таълим муассасаларида тажриба-синов ишлари мониторинги». Касб-хунар таълими» илмий-методик журнал. 2000, №9.
17. <http://www.ziyounet.uz>
18. <http://www.google.ru>

